

*Абдуманноб МАМАЖОНОВ*

# **ХАЗОН БЎЛМАС АТИРГУЛ**

*(ШЕЪРЛАР)*



**«Наманган» нашриёти  
2007**

10 33052  
0

III 629 - 1419.16 - 1271600 2007  
630 - 2.0 - 1051 - 07

© «Наманган» нашриёти. Абдуматноб Мамажонов

07	Alisher Navoiy nomidagi
1453	O'zbekiston MK

## МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН ДУНЁ

Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатдан таралган зиё,  
Муҳаббатсиз билинг ёронлар,  
Тўхтаб қолгай юраклар гўё.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

Ўчмас кўнгиллардан умрбод,  
Муноси оналарга муҳаббат.  
Сўнгра киндик қонинг тўжилган,  
Хур Ватанга бўлган муҳаббат.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

Муҳаббатнинг лаззатли они,  
Суйган ёрга чексиз садоқат.  
Бағрингга боссанг ором берган,  
Фарзандингга булган мурувват.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

84(54)6-5  
АТТОР ДҶКОНИ

Аттор дӯконига кирдим бир сафар,  
Таралиб турарди ундан мушк-анбар.

Шамдонга терилган сарвқад оқ шам,  
Ёқсанг ёруғ бўлар кечалар, оқшом.

Яна қутичада қалампирмунчоқ,  
Балодан асровчи, қай вақт-овунчоқ.

Атторнинг қўлида садафдай тасбеҳ,  
Руҳнинг шифоси бу, ўйлама тош деб.

Тагин бир қутида мумёи асил:  
Синган суякларнинг давоси деб бил.

Кунчиқар ёқдаги тоқчада китоб;  
Шарқдан чиқаётир икки офтоб.

Шундай китоблар бор: кўзга тўтиё,  
Адабнинг конидир, ақлингга зиё.

*Неча қутиларда марварид маржон,  
Келинга сотиб ол, укам Умаржон.*

*Уйда ҳам юролмас безаксиз аёл,  
Атир-упага ҳам кетади хаёл.*

*Хуллас, бир газнадир аттор дўкони,  
Хуш-бўй ҳидларига чулгар дунёни.*

### **ҚАЙЛАРДАСАН**

*Мени илк бор мафтун этган гўзал қайдасан,  
Юрагимга ўт солиб кетган гўзал қайдасан?  
Тушимдамас ўнгимда курганлигим рост эди,  
Тим қора қош-кўзларинг хуснинг узра мос эди.  
Қоши қаро гўзалим қайлардасан, соғиндим,  
Сўзи ширин асалим қайлардасан, соғиндим.*

*Эслайсанми, ўшанда сен талаба қиз эдинг,  
Ўзинг келиб ёнимга ёзиб беринг шеър дединг.  
Кулоқ тутиб сўзингга, боқиб ойдек юзингга,  
Киприги қайрилган ёр, кўнгил қўйдим ўзингга.  
Қоши қаро гўзалим қайлардасан, соғиндим,  
Сўзи ширин асалим қайлардасан, соғиндим.*

Яратгандан тиларман муродимга етказ деб,  
Мафтун этган дилбарни қўлларини тутқаз деб.  
Ол қулим, деган Аллоҳ, севиш эмаску гуноҳ,  
Ўшал севган ёримга етказ, наҳор ё чошгоҳ.  
Коши қаро гузалим қайлардасан, соғиндим,  
Сузи ширин асалим қайлардасан, соғиндим.

### ХУМО ҚУШГА

Хумо қушим-бахт қуши,  
Мингларинг севган туши.  
Кел, бошимга қўнақол,  
Шўдир кўнгила хоҳиши.

Донга тўлдир хирмонни,  
Бут қил чала иймонни.  
Юртим гуллаб яшнасин,  
Дол қолдириб жаҳонни.



## БЕЧОРА БУЛБУЛ

Чаман ичра очилмай бир гул,  
Таратмасдан хушбўй ҳидини.  
Шайдо бўлиб унга бир булбул,  
Куйлар эди юрак додини.  
Куйлар, куйлар бечора булбул,  
Ёнар булбул очилмайин гул.

Ногаҳонда тақдир шамоли,  
Олиб кетди гулни йироққа.  
Насиб этмай гулнинг жамоли  
Хайрон булбул қолиб фироққа.  
Куйлар, куйлар бечора булбул,  
Ёнар булбул очилмайин гул.

Булбул куйлаб дунёда якка,  
Гулни севди, севолди фақат.  
Нима қилсин севган юракка,  
Сизмас ундан ўзга муҳаббат.  
Куйлар, куйлар бечора булбул,  
Ёнар булбул очилмайин гул.

## ДИЛРАБО

*Минг тасанно: тонгда келдинг дилрабо, эй дилрабо,  
Миннатинг бошимга дурра, марҳабо, эй дилрабо!*

*Кутмаган агёру, ёгий илтифотни мунчалик,  
Булдилар ул шум рақиблар зеру-по, эй дилрабо.*

*Тинглагил: ҳар ёнда қушлар сайраётир басма-бас,  
Булбулу тўрғайда ҳам савти наво, эй дилрабо.*

*Сен билан кулбам ёришди, кўкда кулди офитоб,  
Худди подшодай севиндим мен гадо, эй дилрабо.*

*Тоза гулларки, таратмиш атрини, воҳ, ўзгача,  
Мушки сочингни олиб эсгай сабо, эй дилрабо.*

*Бунда сувлар ҳам қувонгай қувлашиб анҳор аро,  
Айлагай сенга етолмай можаро, эй дилрабо.*

*Сочилур кўзга зиёинг, сўзларинг дардга даво,  
Тоза бир нурларга тўлди ер-само, эй дилрабо.*

*Қолди ҳайрат бирла Манноб журъатин ёрнинг кўриб,  
Шум рақиб додини бермоқ муддао, эй дилрабо.*



## МУЧАЛДОШЛАР ТАБРИГИ

Кутлуг бўлсин, тенгдошларим,  
Бу йил мучал тўйингиз.  
Давраларда жарангласин,  
Шўх-шўх қушиқ-куйингиз!

Ўн икки йил қаранг худди  
Ўн икки ойдай ўтмиш.  
Таълим бериб кўп устозлар,  
Қўлларимиздан тутмиш.

Хўроз йили экан бу йил  
Кақоғлашиб юрайлик,  
Шундай мучал йилларидан  
Беш-унтасин кўрайлик.

Йилимизнинг ҳар бир куни-  
Яратгандан туҳфадир.  
Совурмайлик елга уни,  
Доим қилайлик қадр!

*Осмонимиз мусаффо-ю,  
Соғлом бўлсин элимиз.  
Ахир, «Сиҳат-саломатлик-  
йили» экан йилимиз!...*

*2005 йил.*

### **ЎҒЛИМ ХОТИРАСИ**

*Ўлим ҳам бир ибрат, эй умри азиз,  
Бир кун бу ҳужрани ташлаб кетамиз.  
Инсондан эзгулик қоларкан фақат,  
Бировга ёмонлик истаб нетамиз?*

*Эрта кун юмибсан, дилбандим-ўғлим,  
Энди хотирангга қилурмигиз таъзим.  
Таваллуд бор жойда кетиши ҳам бордир,  
Ортиқча «оҳ-воҳ» ҳам гуноҳи азим.*

*Ўғилчам мунчалар эрта кун юмдинг,  
Қабринг ҳам абадий сукутга чўмди.  
Фақат бир таскин бор дил юпатгучи,  
Порлоқ хотирангни ёдлаймиз энди.*

## АТИРГУЛ

Оламда гуллар яшар,  
Гулзорларга ярашар.  
Кизил гулу атиргул  
Гузаликни талашар.

Лола гулларнинг шоҳи,  
Бинафша гуллар моҳи.  
Лекин гузал атиргул  
Севишганлар ҳамроҳи.  
Атиргул очила қол,  
Сени жондан севади булбул.



## ОНА ХАЙКАЛИ ПОЙИДА

Онажон, қошингизга таъзим қилгани келдик,  
Боқиб кўз ёшингизга, дардни олгани келдик.

Сездикки бу тарихда ёвузлар кун, ёгий кун,  
Гоҳ қон оқиб ариқда, бўлган ёмон талотўн,

Ёмонлар бу маконга ҳасад билан қараган,  
Улуг Ўзбекистонга қирон солиб яйраган.

Кодирийлар, чулпонлар тушмади не куйларга,  
Носирийдай ўғлонлар етолмади туйларга.

Озодликка етишмак ҳеч вақт осон бўлмаган,  
Мисоли жавоҳирдак нархи арзон бўлмаган.

Не-не ёру-ёронлар қолди катта майдонда,  
Сиз каби онажонлар-бир умрлик армонда.

Онажон, сукут сақлаб, сўзга ҳамдари бўлайин,  
Берган тузингиз оқлаб, элга хизмат қилайин.

## КҮНГИЛ ҚҮЙДИМ

Юрагимни сирдоши бўлгин,  
Ҳаётимни йўлдоши бўлгин.  
Яратсам ишқ-муҳаббат боғи,  
Фақат ўзинг наққоши бўлгин.  
Кўнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

Тингла айтай дилда боримни,  
Тўкиб сенга юрак зоримни.  
Муҳаббатим шунчаки эмас,  
Қабул этгил дил изҳоримни.  
Кўнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

Юз минг қаро қошлар бўлса жам,  
Гўзал камон қошли сен ўзинг.  
Юзлар ойу кундек тўлса ҳам,  
Товланувчи фақат сен ўзинг.  
Кўнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

## *КЎЗИМ КИЙМАС...*

*Хей, бу дунё қандай бўлса ҳам,  
Севинч билан қаршилай ҳар дам,  
Сехрлидир кўзимга олам,  
Чиқсам ҳамки гоҳо овлоққа,  
Кўзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

*Баҳорларни кўмсадим қишдан,  
Роҳат олдим ҳар бир юмушдан,  
Полимадим асло турмушдан,  
Боқиб ёшим улғайган чоққа,  
Кўзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

*Гўдакларнинг кўзгуси бунда,  
Юракларнинг орзуси бунда,  
Кўнгилларнинг кўзгуси бунда,  
Куним қолса ҳамки фироққа,  
Кўзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

Гоҳи соғман, гоҳида бемор,  
Сизга ашъор ёзибман бедор,  
Сафингизда доимо мен бор,  
Богланган гулу-япроққа,  
Кўзим қиймас ташлаб кетмоққа.

Ғаниматдир ҳар ютум нафас,  
Дунё асло бўлмагай қафас,  
Чексиз эрур Маннобда ҳавас,  
Таъзимдаман она тупроққа,  
Кўзим қиймас ташлаб кетмоққа.



## ЁЛҒОН БЎЛАР...

Атрин сочиб гул ёки ялпиз,  
Таралмади бизнинг севгимиз,  
Қутолмади мени севган қиз,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.

Ўзга ёрга бошини боглаб,  
Падари ўз вақтини чоглаб,  
Севгимизга бўлди аёвсиз,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.

Севганимдан айрилиб қолиб,  
Кеча-кундуз юрагим тўлиб,  
Кўз ёшларим дарёдай бўлиб,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.





## ҲИМОЯ АЙЛА...

Эл нияти-дилинда,  
Хуррияти-қўлинда,  
Тошу тарозусини  
Ҳимоя айла, э дўст!

Тиллога тенг саҳроси,  
Хушдир обу ҳавоси,  
Жайрону оҳусини  
Ҳимоя айла, э дўст!

Гуллайверсин боғлари,  
Баҳору ёз чоғлари,  
Олча-ю олусини  
Ҳимоя айла, э дўст!

Боғларга зог қўнмасин,  
Ёмон ният-уимасин,  
Покиза туйғусини  
Ҳимоя айла, э дўст!

Ой оқшом кўкда порлар,  
Ерда посбон чинорлар,

Элнинг тинч уйқусини  
Химоя айла, э дуст!

Фариштадай безубор,  
Гўдак уйғонар саҳар,  
Гўдаклар кулгусини  
Химоя айла, э дуст!

Кизлар сочин талашар,  
Гоҳ ойнага қарашар,  
Порлоқ у келгусини  
Химоя айла, э дуст!

Бўлмаган ҳеч кимдан кам,  
Кам бўлмагай энди ҳам,  
Удуглар орзусини  
Химоя айла, э дуст!



## ЎЗБЕКИСТОН ХУРМАТИ

*Бўлсин-ей элда азиз ҳар Тоза виждон ҳурмати,  
Тоза виждон соҳиби-ул Яхши инсон ҳурмати.*

*Ҳурматин сақлар йигит-қиз Меҳнату заҳмат билан,  
Хушбўйи билан ҳавасли Богда райҳон ҳурмати.*

*Отмагил осмонга тош ҳам, Ерни тепма ҳайқириб,  
Ул азиз ота-онангдек-Еру-осмон ҳурмати.*

*Фурсатинг олтинга тенгдур, қайтмагай ортига ҳеч,  
Қаъбанинг тоши қадарли Тоза имкон ҳурмати.*

*Гарчи йўқ, Манноб, ҳаётда Ота-онангдек азиз,  
Не азиз, бил ондин ортиқ Ўзбекистон ҳурмати.*

## ТЎРТЛИКЛАР

1

Мақтовни жонидай хуш кўрар биров:  
Сариёғ сингари мазали мақтов.  
Сезмаски, амалдан кетса у агар,  
Мунофиқ, сохтагар тош отар дарров.

2

Хотин важоҳатин кўрганда ҳар гал,  
Кўнглимда бир фикр топади сайқал:  
Дўстларим, аслида шоирга эмас,  
Шоир хотинига қўйишсин ҳайкал!

3

Бир бурда нонга сен қилсанг қаноат,  
Қандайин бахтдир бу, қандай саодат!  
Тилинг қисик бўлмай нокаслардан ҳеч,  
Хатто рақиблар ҳам қилишар ҳурмат.

4

Оламга бир нигоҳ ташладим-қолдим,  
Тўсатдан ёқамни ушладим қолдим:  
Борлиқда минг битта мўъжиза кўриб,  
Ҳайрат бармогимни тишладим-қолдим.

Бойчечак күз ишқар чўққидан настда,  
 Унга гулбарра ҳам бўлур вобаста.  
 Булбул навосини созлар баҳорга,  
 Жилга ҳам чулдираб қолади аста.

### БОБО ДЕҲҚОН

Кеча-кундуз она ер билан,  
 Уйқу билмай тиллашган.  
 Гўзасини босса ўт-ўлан,  
 Матонат-ла, қаттиқ беллашган.

Ҳашоратга эмлаб гўзасини,  
 Шоналатиб бўлиқ ҳосилни.  
 Мўл хирмонга қўшиб ҳиссасини,  
 Кадрин баланд кўтарган эли.

Шарафлайман, эй, бобо деҳқон,  
 Таъзимдаман ҳазрати инсон!



## БЎҒЛАРНИНГ

Сулувим сайр этмиш боғда саҳардан,  
Атри димогимга урар боғларнинг.  
Мани йўқлаб кепти атай шаҳардан,  
Йулкасида ёлғиз юрар боғларнинг.

Соғинганда боғларга мен роз айтдим,  
Сирим ошкор айтсам ҳамки, рост айтдим,  
Ҳоли келса этар дея ҳоз айтдим,  
Ёрим энди сирин сўрар боғларнинг.

Бир мен эмас, боғ ҳам унга дилафзор,  
Узумлар йўлига гавҳардай оқар,  
Атиргуллар оловли бағрин ёқар,  
Арзи ҳолини сезиб турар боғларнинг.

Қушиқ айтар-янғрар чиройли оҳанг,  
Булбулу жўрларнинг бунда ҳоли танг,  
Товуслар саломга келмиш ҳангу –манг,  
Соғинганини синаб кўрар боғларнинг.

Эшитганлар қилмоқ бўлар наззора,  
Бедоналар «бит-билдиқ»лаб овора,

*Севинч ила кўзёш тўкар фаввора,  
Богбони ҳам хаёл сурар богларнинг.*

*Ёрга атаб богдан гуллар терай мен,  
Тезроқ етиб ёр қўлига берай мен,  
Сулув билан даври-даврон сурай мен,  
Манноб ҳам шарбатин сурар богларнинг.*

### **НАВРЎЗ ФАРДЛАРИ**

**1**

*Эй кўнгил баҳори, эй улуғ Наврўз,  
Элга олиб келдинг қувонч, янги сўз!*

**2**

*«Бу кунларга етган, етмаганлар бор»,  
Мунча соғинтириб қўйдинг, эй Баҳор!*

**3**

*Эй она диёрим, сен-эй қора кўз,  
Хар тунинг тинч бўлсин, ҳар кунинг-Наврўз!*

**4**

*Шукрона қилайлик-етдик Наврўзга,  
Бодом гуллариини сурайлик кўзга!*

**5**

*Эй, она диёрим, эй ота макон,  
Баҳорий тилаклар тизилгай маржон!*

## ЎЗИНГНИ АЛДАДИНГ

Эй, жонгинам, гўзал ёргинам,  
Жондан ортиқ севардим сени.  
Босган изларимга зоргинам,  
Ваъда бериб ўзинг алдадинг,  
Чин севгимга вафо қилмадинг.

Ўн саккизга кирганда ёшинг,  
Хузурингда эгилди бошим,  
Синай дединг сабр-бардошим,  
Ўзинг эдинг яқин сирдошим.  
Ваъда бериб ўзинг алдадинг,  
Чин севгимга вафо қилмадинг.





## ШОҲИМАРДОНДА

*Шоҳимардон тонгларини кузатганман,  
Шеърларимни унга қараб тузатганман.  
У ерда ҳам булбул сайраб кетар роса-  
Тоғу-тошлар орасида қандай маза!*

*Булбул эмас, гўё шоир куйлагандек,  
Айтолмаган армонларин суйлагандек.  
Булбул куйи саҳардан то саҳаргача,  
Назаримда куй тугамас маҳшаргача.*



## СУБҲИДАМДА

*Каршимдаги баланд боғдан  
шух садолар келади.*

*«Ялла» кўчиб келаган чоғда,  
Туй-томоша бўлади.*

*Колган пайтлар булбул билан  
биз қоламиз оламда.*

*Олам куйга тўлғай бирдан,  
Тинглангиз субҳидамда.*

## КУЛИ ҚУББОН

*Хайратомуз нарса кўндир дунёда  
Кули Куббон бунга ёрқин бир мисол:  
Тоғданоқ эсади майин шаббода,  
Оқшом им қоқади самода ҳиллол.*

*Тоғлар буюклигин акси-кўлдаги,  
Буюк табиатга тиниқ бир кузгу.  
Онанинг кўксидан сунт келган каби-  
Тоғларнинг бағридан сизиб оқар сув.*

## ОДДИЙ ФАЛСАФА

*Бўлса ер, сув, сўлим табиат,  
Меҳнат қилсанг баҳоли қудрат.  
Бир бурда нон бўлмаса миннат,  
Бу дунёда ўшадир жаннат.*

*Соя бўлса мрамар бир манах,  
Кўнгил бўлса ундан-да муз-ях,  
Бўлса уйинг қаронгу ва зах,  
Бу дунёда ўшадир дўзах.*



## ЗАРУРАТ

*Битта қушга ҳам сув керак,  
Ҳам дон керак, дейдилар.  
Йигитга-чи сулув керак,  
Ошён керак, дейдилар.*

*Бир жуфт қушга сайрагани  
Битта дарахт бўлса бас.  
Одам эса, яйрагани  
Дунёни қилар ҳавас.*



## ҚУШЛАР ВА ЖИЛҒАЛАР

*Мен қушларни жилғаларга*

*Ўхшатаман баъзида.*

*Ҳа, бирмунча ўхшашлик бор*

*Улар яшаш тарзида.*

*Жилга қушдай жаранглайди,*

*Тоғу-тошлар ошади.*

*Ён-верига аланглайди.*

*Ва олдинга шошади.*



## «КУШКУНМАС»

Бу кўҳна дунёни еру-осмонсиз,  
Дарахту-қушларсиз тасвирлаб бўлмас.  
Ва лекин қушлар ҳам бўлмас маконсиз,  
қушлар ҳам ҳар қандай бутага қўнмас.

Сегасойда кўрдим: «Қушқўнмас» деган,  
Тиконли бир бута турар қаққайиб.  
Исмига яраша, қуш-қўнмас экан,  
Бисоти тиконин тураркан сайиб.

### ХАЗИЛ ВА ЧИН

Мени танимаслар  
Ҳатто шаҳарда,  
Кўриниб турсам ҳам  
Тонгда, саҳарда.

Шоир босиб кетди  
Бутун ўлкани.  
Шеъримни танишса  
Ўша бўлгани...!

# МУНДАРИЖА

Муҳаббатдан яралган дунё .....	3
Аттор дўкони .....	4
Қайлардасан .....	5
Хумо қушига .....	6
Бечора булбул .....	7
Дилрабо .....	8
Мучалдошлар табриги .....	9
Ўғлим хотираси .....	10
Атиргул .....	11
Она ҳайкали пойида .....	12
Кўнгил кўйдим .....	13
Кўзим қиймас .....	14
Ёлғон бўлар .....	16
Ҳимоя айла .....	17
Ўзбекистон ҳурмати .....	19
Тўртликлар .....	20
Бобо деҳқон .....	21
Богларинг .....	22
Наврўз фардлари .....	23
Ўзингни алдадинг .....	24
Шоҳимардонда .....	25
Субҳидамда .....	26
Кўли Қуббон .....	26
Оддий фалсафа .....	27
Зарурат .....	28
Қушлар ва жилғалар .....	29
«Қушқунмас» .....	30
Ҳазил ва чин .....	30

*Адабий-бадий нашр*

*Абдуманноб МАМАЖОНОВ*

## **ХАЗОН БЎЛМАС АТИРГУЛ**

*(ШЕЪРЛАР)*

---

Муҳаррир:	<b>Жамолиддин МУСЛИМ.</b>
Саҳифаловчи:	<b>И. ТОШХОЖАЕВ.</b>
Тех. муҳаррир:	<b>Ғ. МУЛЛАБОЕВ.</b>
Мусаҳҳих:	<b>С. ХОЖАЕВ.</b>



Теришга 27.04.2005 йил берилди. Босишга 3.05.2007 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 2,0  
босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 287. Баҳоси келишилган нархда.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри Навсий кўча 36-уй.  
«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Суфизода кўчаси, 8-уй.